
Сектор раҳбарининг ташаббуси билан имконияти чекланган инсонларга реабилитация воситалари топширилди

Ўзбекистон тумани сектор раҳбарлари бошчилигидаги ишчи гурухлар томонидан худудлардаги кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган оиласалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмаклар кўрсатиб борилмоқда.

З-сектор ишчи гурухи, туман ички ишлар бўлими раҳбарияти туман камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими билан ҳамкорликда бир гурух bemor ва имконияти чекланган фуқароларнинг хонадонларида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олишди.

Хусусан, “Дўнгсарой” маҳалласида яшовчи Баходир Холматов, олмазорлик Рисолатой Алиева ва “Нурли келажак” маҳалласида истиқомат қилувчи Раҳимахон Азимовалар йўқланиб, уларга замонавий ногиронлик аравачаси ҳамда эшитиш мосламалари топширилди. Беморларга шифо, хонадонларга фаровонлик тиланди.

Туманда бу каби хайр-саҳоват тадбирлари давом этмоқда.





2023-08-08 08:55:46